А.У. Қувватов,
тадқиқотчи,
ТДИУ

ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА ЁРДАМЧИ ҲИСОБЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда туризм иқтисодиёти юқори даромад келтирувчи ва тез суръатларда ривожланаётган тармоқлардан биридир. Унинг ялпи қўшилган қиймат яратиш, бандликни ошириш, ҳудудларни ривожлантиришдаги иқтисодиётга таъсири беқиёсдир. Туризм соҳаси, бошқа кўпчилик тармоқлардан фарқли равишда, табиий ресурслар камайишига олиб келмайди, бундан ташқари, ушбу тармоқ экспортга йўналтирилган фаолият бўлиб, жаҳон бозоридаги беқарорликларга чидамлидир.

Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

- хорижий валютанинг оқиб келишини таъминлайди ва мамлакатнинг тўлов баланси ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади;
- аҳоли бандлигининг ошишини таъминлайди;
- туризм соҳаси инфратузилмасини ривожланишига олиб келади.

Охирги 10 йилликда жаҳонда ташриф буюрувчи хорижий туристлар сонининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,4[1] фоизни ташкил этди. 2010 йилда туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 5 фоиз, ушбу соҳада банд бўлганларнинг дунё кўрсаткичидаги улуши эса 6-7 фоиз атрофида баҳоланди.

Жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирозларга қарамай, туристлар сони ва туризм фаолиятидан олинаётган даромадлар ҳажмининг муттасил ошиши кузатилмоқда. Агар 1950 йилда дунё бўйича туристлар сони 25 млн. кишини, туризм индустриясидан олинган даромад – 2,1 млрд.АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ташриф буюрувчи туристлар сони 935 млн. кишига, халқаро туризмдан олинган даромад эса 919 млрд.АҚШ долларига етди (1 ва 2-расмлар).



1-расм. Жаҳонда 1995-2010 йилларда туристлар сонининг ўзгариш динамикаси (млн киши)

[1] Манба: Бирлашган Миллатлар Халқаро туризм ташкилоти маълумотлари (www.unwto.org).

2-расм. Халқаро туризмдан олинган даромад (млрд.АҚШ доллари)

Манба: Бирлашган Миллатлар Халқаро туризм ташкилоти маълумотлари (www.unwto.org).

Туризм соҳаси тараққий этган мамлакатларда ушбу фаолиятдан олинаётган даромадлар ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада АҚШ (2010 йилда 103,5 млрд. АҚШ доллари), Испания (52,5 млрд. АҚШ доллари), Франция (46,3 млрд. АҚШ доллари), Хитой (45,8 млрд. АҚШ доллари) ва бошқа Ғарбий Европа давлатлари етакчилик қилишмоқда.

Жадвал

Халқаро туризмдан олинган даромад бўйича дунёнинг энг йирик 10 та мамлакати (камайиб бориш тартибида, млрд.АҚШ доллари)

№	Давлатлар номи	2009	2010
1.	АҚШ	94,2	103,5
2.	Испания	53,2	52,5
3.	Франция	49,4	46,3
4.	Хитой	39,7	45,8
5.	Италия	40,2	38,8
6.	Германия	34,6	34,7
7.	Буюк Британия	30,1	30,4
8.	Австралия	25,4	30,1
9.	Гонгконг (Хитой)	16,4	23
10.	Туркия	21,3	20,8

Манба: Бирлашган Миллатлар Халқаро Туризм Ташкилоти маълумотлари (www.unwto.org).

Туристларни қабул қилиш бўйича эса Франция дунёда етакчи ўринни эгаллайди (2010 йилда 76,8 млн. киши), гарчи у туризмдан олинган даромадлар

ҳажми бўйича АҚШ ва Испания давлатларидан кейинги ўринда турса ҳам. Юқорида санаб ўтилган мамлакатларда бундай юқори кўрсаткичларга нафақат мамлакатдаги мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар ёки табиий шарт-шароитлар орқали, балки туризм индустриясини юқори даражада тараққий эттириш, туристларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва кенгайтириш, шунингдек ҳукумат томонидан олиб борилаётган самарали туризм сиёсати орқали эришилмоқда.

Ҳозирги кунда туристларни қабул қилиш бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга 10 та мамлакатнинг жаҳон кўрсаткичидаги улуши 44,7 фоизни ташкил этмоқда. Халқаро туризмдан олинаётган даромадлар ҳажми бўйича эса, бу кўрсаткич 46,3 фоиздан иборат.

Охирги йилларда туризм соҳасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари етакчилик қилаётган бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ушбу соҳанинг сезиларли даражада ўсиши кузатилмоқда. 2010 йилда ривожланган мамлакатларда халқаро туризмдан олинган даромаднинг дунё бўйича туризмда олинган даромаддаги улуши 63,1 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда 36,9 фоиздан иборат. Туристларни қабул қилиш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон кўрсаткичидаги ҳиссаси мос равишда 53,0 ва 47,0 фоизни ташкил қилади.

Туризм индустрияси ривожланган мамлакатлар қатори, мамлакатимиз ҳам юқори туристик салоҳиятга эга давлатлардан биридир. Бугунги кунда республикада туризм устувор соҳага айланган ва ҳукумат томонидан уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасини ривожлантириш республикамизнинг хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг юксак, ноёб маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш ва юксалтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда туризм соҳасининг ижобий тенденцияларда ривожланиб бораётганига қарамай, ушбу соҳа олдида турган яқин истиқболдаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

- туризм фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва ушбу соҳада фаолият юритувчи муассасаларни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар кўриш;
- ушбу фаолиятга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар яратиш;
- туристик муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва нарх сиёсатини такомиллаштириш;
- туризм индустриясида кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, эсдалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш;
- хизмат кўрсатишнинг ноанъанавий усулларини (масалан, айрим сайёҳлар учун сув тагига шўнғиш, альпинизм спорт усталари каби тоққа кўтарилиш ва

бошқа хизматлар) йўлга қўйиш, янги туристик ва саёҳат йўналишларини жорий қилиш;

- ташриф буюрувчиларнинг туристик ҳудудларда бўлиши ва дам олиши билан боғлиқ хавфсизлик чораларини таъминлаш ва уларни рўйхатга олиш, турли йиғимлар йиғиш тизимини тартибга солиш;
- туризм соҳасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги замонавий шароитида туризмнинг аҳамияти унинг товар ва хизматларга бўлган қўшимча талабини шакллантириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, янги иш ўринлари, давлат бюджети даромадлари учун қўшимча манбаларни яратишдан иборатдир. Табиийки, туризмни муваффақиятли ривожлантириш учун унга мос иқтисодий ахборотлар тизимига эга бўлиш зарур.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодиётда туризмнинг роли ҳақидаги маълумотларнинг етишмаслиги сезилади, шу билан бирга иқтисодиётнинг ушбу сектори ривожланиш даражаси ва муҳимлигини ифодаловчи, унинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу соҳада давлат сиёсатини олиб бориш имконини берувчи ишончли статистик маълумотларга эҳтиёж сезилмоқда.

Анъанавий туризм статистикаси табиий кўрсаткичлар (ташриф буюрувчи туристлар сони, меҳмонхоналар ва улардаги мавжуд ўринлар сони ва бошқалар) асосида шакллантирилар эди. Бироқ, бу кўрсаткичлар мамлакат ва ҳудуднинг иқтисодий ҳаётида туризмнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда белгилаш имкониятини бермайди. Бу имкониятга фақат қийматли кўрсаткичлар, шунингдек, миллий ҳисоблар тизимидаги (МҲТ) бошқа тармоқлар фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичларни ҳисоблаш методологиясига мос келувчи кўрсаткичларни шакллантириш орқали эришиш мумкин.

Ушбу мақсадларда МҲТ қўшимча равишда ёрдамчи ҳисобларни ишлаб чиқишни тавсия қилади. Ёрдамчи ҳисоблар қандайдир алоҳида иқтисодий фаолиятни ёки масалани чуқур ва батафсил ўрганишга қаратилган статистик кўрсаткичлар тўпламини ўзида акс эттиради. Ёрдамчи ҳисоблар кўрсаткичлари, одатда, методологик жиҳатдан МҲТнинг бошқа кўрсаткичлари билан мос келади, аммо зарур ҳолатларда (асосан тармоқлар классификацияси, статистик ўлчашлар чегарасини кенгайтириш, стандарт макроиқтисодий кўрсаткичларни шартли тўғрилашларда) умумий стандартларни четлаб ўтишга йўл қўйилади.

Туризм ёрдамчи ҳисоблари (ТҲЁ) туризм соҳасини ташриф буюрувчи туристлар томонидан шаклланган товар ва хизматларга қўшимча талаб манбаи сифатида батафсил ўрганишни кўзда тутади. Бу талаб қўшимча таклифнинг шаклланишига сабаб бўлади, яъни туризмга хос бўлган муайян тармоқлар (фаолият турлари) ривожланишини рағбатлантиради. Натижада давлат бюджети даромадларининг ошиши, қўшимча иш ўринлари яратилиши ва инвестициялар киритишга эришилади.

ТЁҲни тузиш билан бир неча йиллардан бери кўпгина миллий статистика хизматлари, туризм билан боғлиқ институтлар, шунингдек, БМТ, Жаҳон туристик ташкилоти (ЖТТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ), Евростат ва бошқа ташкилотлар шуғулланиб келмоқдалар. Улар

орасидан БМТ ва ЖТТ фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу ташкилотлар томонидан яратилган **“Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар”** 2008 йил ва **“Туризм ёрдамчи ҳисоблари”**: тавсия қилинган методологик асос, 2008 йил қўлланмалари МҲТ тамойилларига мос келувчи туризм статистикасини ташкил қилиш ва туризм ёрдамчи ҳисобларини тузиш бўйича ноёб халқаро ҳужжат ҳисобланади.

ТЁҲни тузишдан мақсад туризмнинг барча жиҳатлари: туристик истеъмол таркиби; ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари; туризм фаолиятининг бошқа фаолият турлари билан алоқадорлиги бўйича таҳлилий ахборотларни шакллантиришдан иборат.

Туризмнинг иқтисодиётдаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, туризм фаолиятини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, туризм статистикасининг замонавий усулларини жорий этиш статистика органлари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва халқаро ташкилотлар тавсиялари шуни кўрсатадики, туризм фаолиятини баҳолашнинг энг мақбул усули - туризм ёрдамчи ҳисобларини шакллантириш ҳисобланади. Ушбу ҳисоблар қуйидаги маълумотларни шакллантириш имконини беради:

- туризм соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажми, шунингдек, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, бошқа кўрсаткичлар билан алоқадорлиги ва нисбати;
- турист сифатида ташриф буюрувчилар томонидан истеъмол қилинган туристик маҳсулотлар ҳажми ва туризм йўналишларида шаклланган талабни баҳолаш (жами туризм фаолиятидан олинган даромадни туризм йўналишлари бўйича тақсимлаган ҳолда ўлчаш);
- туристик маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги алоқадорлик;
- туризм ва унинг турли йўналишларидаги бандлик ва ялпи жамғарилиш ҳамда бошқалар.

Бундан ташқари, ТЁҲни шакллантириш умумэътироф этилган халқаро стандартларни қўллаган ҳолда, туризм соҳаси ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни халқаро даражада таққослаш имконини яратади.

ТЁҲ маълумотларининг асосий фойдаланувчилари – давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва кенг омма ҳисобланади.

Туризм фаолиятини баҳолашда туристик истеъмол тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. ТЁҲ туристик истеъмол тушунчаси, истеъмол туридан қатъий назар, МҲТдаги “якуний истеъмол” тушунчасига тўла мос келади (туристик истеъмол корхонанинг оралиқ истеъмоли билан тенг бўлган ҳоллардан ташқари). Ташриф буюрувчи туристга ўзида алоҳида туристик истеъмол турини акс эттирувчи ва ўзининг одатдаги турар жойидан ташқарига сафар қилувчи ва борувчи (вақтинча яшаш жойида ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш мақсадида боришдан ташқари) сифатида қаралади.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси томонидан туризм статистикасини янада такомиллаштириш, туризм бўйича статистик кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш борасида сезиларли ижобий ишлар олиб

борилмоқда. Шу кунга қадар туризм статистикаси кўрсаткичлари туристик хизматларни таклиф қилувчи субъектлардан олинган маълумотлар асосида ифодаланган бўлса, ҳозирги кунда бунга қўшимча равишда туристик хизматлар истеъмолчиларидан олинган маълумотлар асосида ҳам кўрсаткичлар шакллантирилмоқда. Бошқача сўз билан айтганда, туризм кўрсаткичлари ушбу соҳадаги ҳам таклиф, ҳам талаб томонидан ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда ТЁҲни жорий қилиш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, бунга Давлат статистика қўмитаси, “Ўзбектуризм” МК, Давлат Божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар жалб қилинган.

Ушбу режага мувофиқ ТЁҲни жорий қилишнинг методологик асосларини яратиш, туризмни кузатиш анкетаси бўйича маълумотларни йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш, якуний маълумотлар ва жадвалларни шакллантириш ишлари кўзда тутилган.